

Д.И. Бутаев,  
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи,  
ТДИУ

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришда турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Президентимиз томонидан корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, ушбу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. “Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, махсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Бунга кўра, ҳозирги шароитда мамлакатимизда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидан кенгроқ фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Фикримизча, давлатнинг мазкур соҳани тартибга солиш фаолияти доирасидаги чора-тадбирлари тизимига кичик бизнес иқтисодиётнинг йирик хўжалик юритувчи субъектлари билан кооперацион алоқаларини кенгайтиришга шароит яратувчи ва рағбатлантирувчи тавсифдаги механизмларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.


Энг аввало, кичик бизнес субъектларининг йирик саноат корхоналари билан ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш керак бўлади. Чунки бир томондан, амалий ҳаракатларнинг кенг майдони ва тегишли ҳуқуқий кафолатларни таъминламай туриб, тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик жараёнларига жалб қилиш мумкин бўлмаса, бошқа томондан, йирик корхоналарни кичик бизнес субъектлари билан кооперацион алоқаларини рағбатлантирувчи ва маълум маънода бундай алоқаларга ундовчи хатти-ҳаракатларнинг ҳам меъерий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 60-61-б.

ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2006 йил 5 январь, ПФ-3706-сон), “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2007 йил 12 ноябрь, ПФ-3937-сон) Фармонлари, “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида” (2009 йил 27 январь, ПҚ-1048-сон), “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2009 йил 1 декабрь, ПҚ-1236-сон), “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида” (2010 йил 23 март, ПҚ-1306-сон) Қарорларида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперацион алоқаларни янада кучайтиришга имконият яратувчи кўплаб чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сон “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида биноан мамлакатимизда республика савдо ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тадбир республикамиздаги йирик ва кичик корхоналар учун ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш қилиш орқали янги ҳамкорларни топиш, ишлаб чиқаришдаги инновациялар ва янгиликлар, бошқа тармоқлар ва корхоналар эришаётган ютуқлар, ишлаб чиқарилган материаллар, бутловчи қисмлар ва бошқалар учун яқин истиқболдаги талабни аниқлаш, узоқ муддатли ишончли шериклар топиш, улар билан шартномалар тузиш, кейинги йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш имкониятини вужудга келтирди.

2008 йилда республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига халқаро мақоми берилди. Эндиликда саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси икки босқичда, яъни биринчи босқичда – тармоқ кўرғазмалари ва ярмаркалари, иккинчи босқичда – халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси сифатида ўтказилмоқда. Бу эса маҳсулотларга талабнинг янада ошишига, хорижий ҳамкорлар билан бирга маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш билан боғлиқ доимий имкониятларини рўёбга чиқариш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва товарларни экспортга йўналтириш имконини берди. Буни 2010 йилда ўтказилган ярмаркада мамлакатимиздаги “Ўзавтосаноат” АК, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Навоий ТМК” ДК, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Ўзпахтасаноат” АК сингари вазирлик ва идоралар томонидан тузилган шартномаларнинг салмоғидан ҳам кузатиш мумкин (диаграмма).



**Диаграмма. 2010 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар ҳажмининг вазирлик ва идоралар кесимида тақсимланиши, млрд. сўм<sup>2</sup>.**

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкил этилгандан буён фаолияти умумий натижаларини қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (жадвал).

**Жадвал**

**Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>3</sup>**

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иштирокчилари сони, нафар	224	276	378	715
Маҳсулотларни харид қилиш шартномалари сони, дона	1611	1487	2668	3098
Маҳсулотларни харид қилиш шартномаларининг ҳажми, млрд. сўм	1068,4	1413,0	1884,4	2620,8

Жадвалга кўра, 2010 йилга келиб ярмарка иштирокчилари сони дастлабки даврга нисбатан 3,2 баробар, маҳсулотларни харид қилиш шартномалари сони деярли 2 баробар, уларнинг ҳажми эса 2,5 баробар ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сон Қарорида ҳам ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда

<sup>2</sup> Манба: Международная промышленная ярмарка и Кооперационная биржа //www.cooper.uz

<sup>3</sup> Манба: Международная промышленная ярмарка и Кооперационная биржа //www.cooper.uz

импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсиши, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш муҳим устувор йўналишларнинг бири сифатида белгилаб берилди<sup>4</sup>.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётнинг 12 та энг муҳим асосий тармоғи бўйича 180 дан ортиқ корхонага солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилди ва уларнинг муддатлари узайтирилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг солиқдан бўшаган маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестицияларни молиялаштириш учун мақсадли йўналтириш имкониятлари вужудга келди.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёндир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш имконини беради. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши куйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- турли саноат тармоқларининг қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлари экспортини кўпайтириш ва анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобидан иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Маълумотларга кўра, 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида 2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1052 лойиҳа амалга оширилди ва улар бўйича 5052,4 млрд. сўмлик ёки 2010 йилнинг шу даврига қараганда 19,8 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил, 50-сон, 472-модда.

ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 3 миллиард доллардан ошди<sup>5</sup>.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янги ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилган ПФ-3706-сонли Фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча қуйидаги имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган:

- товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинади;

- корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни бепул ёки ижара шarti билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилади;

- корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

- касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда – касаначилар зиммасига, охириги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

- меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

- касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчилиқда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

Натижада мамлакатимизда 2010 йилда ташкил этилган жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнининг 62518 таси (деярли 7 фоизи) 700 га яқин йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқа ўрнатилган ҳолдаги меҳнат шартномалари асосида ташкил этилди. 2011 йилнинг 9 ойида ҳудудий

<sup>5</sup> Davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish natijalari // <http://www.gov.uz/>

дастурларга мувофиқ яратилган 815,4 мингта иш ўринларидан 191,9 мингтаси касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш, шу жумладан, 55,8 мингтаси корхоналар билан кооперация асосида ташкил этилди.

Фикримизча, ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги турли тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини янада кучайтиришда кичик бизнес имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши зарур:

- кичик бизнес субъектлари томонидан доимий равишда йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш мумкин бўлган ҳамкорлик имкониятларини ўрганиб бориш;

- йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларига киришиш учун зарур шарт-шароитлар – моддий-техника базасини кучайтириш, асбоб-ускуна ва жиҳозларни замонавий талаблар асосида янгилаш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни жорий этиш, юқори сифатли хомашё ва материаллардан фойдаланиш, энг муҳими – юқори малакали мутахассис ва ходимларга эга бўлишни таъминлаш;

- миллий ва хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги кооперация алоқаларини ўрнатиш мумкин бўлган доимий ҳамкорлар тўғрисида доимий равишда ахборотга эга бўлиш, уларнинг талабларини ўрганиб бориш, мазкур талабларни қондириш мақсадида ўз таклифларини мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- давлат томонидан йирик саноат корхоналарини кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик алоқаларига киришишини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларнинг жорий этиб борилиши;

- йирик саноат ва бошқа корхоналарнинг ўзлари томонидан бажарилувчи, бироқ самарадорлиги нуқтаиназаридан ихтисослашган кичик корхоналар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини тақдим этишнинг намунавий андоза ва шакллари ишлаб чиқиш, бу борадаги тажриба ва маълумотларни турли воситалар орқали тарғиб этиб бориш ва ҳоказо.

Фикримизча, бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пировардида кичик бизнес субъектларининг йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини кенгайтириб, бу борадаги янгидан-янги имкониятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, бир томондан, йирик саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги ошса, бошқа томондан, кичик бизнес субъектларининг кўпайиши, улар ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадларининг сезиларли даражада ўсиши, энг муҳими, янги иш ўринларининг ташкил этилиб, бандликнинг ошиши таъсирида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келади.